

THEORETICAL FOUNDATIONS OF THE SHADOW ECONOMY: CONCEPT AND MAIN FORMS

Rakhmonov Azizjon Sadullayevich

PhD, Acting Associate Professor, Head of the Department of International Economics,
Tashkent International University of Chemistry
azizrakhmonov1913@gmail.com ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-6734-9504>

Abstract

This article analyzes the theoretical foundations of the shadow economy, its economic essence, content, and main forms based on the existing scientific literature. Classical, dualistic, structuralist, neoliberal, and post-structuralist approaches to the concept of the shadow economy are systematized, and the definitions proposed by international organizations and leading scholars are comparatively evaluated. In addition, the taxonomy and classification of the shadow economy are examined, and its relationship with the formal economy, as well as the role of the tax burden and institutional environment in its formation, are substantiated. The study concludes that optimizing the tax burden and improving the institutional environment constitute important theoretical foundations for reducing the scale of the shadow economy.

Keywords

shadow economy, informal economy, underground economy, black economy, tax policy, tax burden, institutional environment, taxonomy, economic theory, tax administration.

ЯШИРИН ИҚТИСОДИЁТНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ: ТУШУНЧАСИ ВА АСОСИЙ ШАКЛЛАРИ

Рахмонов Азизжон Садуллаевич

Тошкент Кимё халқаро университети “Халқаро иқтисодиёт” кафедраси

мудир PhD., доцент в.б.

azizrakhmonov1913@gmail.com ORCID: <https://orcid.org/0000-0001-6734-9504>

Аннотация. Мақолада яширин иқтисодиётнинг назарий асослари, унинг иқтисодий моҳияти, мазмуни ва асосий шакллари илмий адабиётлар асосида таҳлил қилинган. Яширин иқтисодиёт тушунчасига оид классик, дуалистик, структуралистик, неолиберал ва постструктуралистик ёндашувлар тизимлаштирилиб, халқаро ташкилотлар ҳамда етакчи олимлар томонидан берилган таърифлар қиёсий баҳоланган. Шунингдек, яширин иқтисодиётнинг таксономияси ва туркумланиши ёритилиб, унинг расмий иқтисодиёт билан ўзаро боғлиқлиги ҳамда солиқ ва институционал муҳит таъсирида шаклланиш хусусиятлари асосланган. Тадқиқот натижасида солиқ юкини оптималлаштириш ва институционал муҳитни такомиллаштириш яширин иқтисодиёт кўламини қисқартиришнинг муҳим назарий асослари эканлиги хулосаланган.

Калит сўзлар: яширин иқтисодиёт, норасмий иқтисодиёт, хуфёна иқтисодиёт, соя иқтисодиёти, солиқ сиёсати, солиқ юки, институционал муҳит, таксономия, иқтисодий назария, солиқ маъмурчилиги.

КИРИШ

Яширин иқтисодиёт деярли барча мамлакатларда турли миқёс ва шаклларда намоён бўлиб келаётган мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқеилик ҳисобланади. Унинг мавжудлиги нафақат расмий иқтисодий кўрсаткичларнинг тўғрилиги ва ишончлилигига жиддий путур етказди, балки давлат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш самарадорлигини ҳам пасайтиради. Хусусан, яширин иқтисодиёт миллий ҳисоблар тизимида ялпи ички маҳсулот, аҳоли даромадлари, иш билан бандлик даражаси каби асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг нотўғри баҳоланишига олиб келиб, иқтисодий ҳолатни объектив баҳолаш имкониятларини чеклайди.

Шу билан бирга, яширин иқтисодиёт давлат бюджети даромадларининг камайишига, солиқ базасининг қисқаришига ва солиқ юкининг расмий секторда фаолият юритувчи иқтисодий субъектлар ўртасида адолатсиз тақсимланишига сабаб бўлади. Бу ҳолат ўз навбатида расмий иқтисодиётдаги корхоналар учун рақобат шароитларини ёмонлаштиради, инвестиция муҳитининг жозибадорлигини пасайтиради ҳамда иқтисодий ўсиш суръатларини чеклайди.

Ижтимоий жиҳатдан эса, яширин иқтисодиёт меҳнат муносабатларининг норасмийлашувига, ишчи кучи ҳуқуқларининг бузилишига ва ижтимоий ҳимоя тизимидан четда қолишга олиб келади. Бу ҳолат аҳолининг муайян қатламлари ўртасида ижтимоий тенгсизликнинг чуқурлашишига, кам таъминланганлик хавфининг ортишига ҳамда жамиятда давлат институтларига бўлган ишончнинг пасайишига сабаб бўлади.

Шу сабабли, яширин иқтисодиёт ўзининг кўп қиррали салбий ижтимоий-иқтисодий оқибатлари туфайли нафақат иқтисодчилар, балки сиёсатчилар, молия ва солиқ органлари учун ҳам доимий тадқиқот объекти сифатида марказий аҳамият касб этиб келмоқда. Уни жиловлаш, айниқса солиқ юкини оптималлаштириш ва институционал муҳитни такомиллаштириш орқали иқтисодий фаолиятни расмий секторга жалб этиш масаласи барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Яширин иқтисодиётнинг вужудга келиши ва унинг кенгайишсабаб бўлувчи омилларни тадқиқ этишда, энг аввало, ушбу тушунчанинг ниқ таърифини шакллантириб олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Бу тадқиқот кўламини ва объектини белгилаб олишга имкон беради. Чунки кўпгина илмий ва сиёсий мунозаралар турли ва қониқарсиз таърифлар туфайли юзага келади.

Яширин иқтисодиёт тушунчаси иқтисодий адабиётларда кенг қўлланиладиган, бироқ мазмун жиҳатидан мураккаб ва кўп қиррали категория

ҳисобланади. Хусусан, илмий адабиётларда уни “хуфёна иқтисодиёт” “соя иқтисодиёти”, “норасмий иқтисодиёт”, “ноқонуний иқтисодиёт”, “яширин иқтисодиёт”, “жиноий иқтисодиёт”, “иккинчи иқтисодиёт”, “кулранг иқтисодиёт”, “параллел иқтисодиёт” ва бошқа номларда учратиш мумкин.

Яширин иқтисодиёт атамасининг мазмунини тўлиқ очиб бериш ва унинг ижтимоий-иқтисодий табиатини чуқур англаш учун ушбу ҳодисани турли назарий ёндашувлар асосида таҳлил қилиш зарур. Илмий адабиётларда яширин (норасмий) иқтисодиётни таърифлашда асосан бешта йирик назарий ёндашувлар шаклланган бўлиб, ҳар бири ушбу воқеликнинг муайян жиҳатларини ёритади. Хусусан:

Классик (марксистик) ёндашув яширин иқтисодиётни капиталистик ишлаб чиқариш тизимининг ички қарама-қаршиликлари оқибати сифатида баҳолайди. Мазкур ёндашувда норасмий сектор капиталистик иқтисодиёт томонидан сингдирилмаган “ортиқча” ишчи кучининг мавжудлиги билан изоҳланади. Бу гуруҳ расмий меҳнат бозорига тўлиқ кириш имкониятига эга бўлмаган, ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан четлатилган субъектлардан иборат деб қаралади. Ушбу нуқтаи назардан, расмий ва норасмий сектор ўртасида тенг бўлмаган меҳнат алмашинуви ва эксплуатацион муносабатлар шаклланиши таъкидланади¹.

Дуалистик ёндашув яширин иқтисодиётни расмий сектордан ажралган, унга бевосита боғлиқ бўлмаган маржинал фаолият сифатида талқин қилади. Ушбу ёндашувга кўра, норасмий сектор паст даромадли аҳоли қатламлари учун даромад манбаи ва иқтисодий инқирозлар шароитида “хавфсизлик тўри” вазифасини

¹ Portes A., Castells M., & Benton L. The Informal Economy: Studies in Advanced and Less Developed Countries. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 1989.

бажаради. Дуалистик мактаб меҳнат бозорини бирламчи, иккиламчи, норасмий ва ноқонуний сегментларга ажратади².

Структурализм (тизимли) ёндашуви ҳам яширин иқтисодий қисми сифатида баҳолайди. Ушбу назарияга кўра, норасмий сектор йирик капиталистик корхоналар учун харажатларни, айниқса меҳнат харажатларини камайтириш орқали рақобатбардошликни ошириш воситаси ҳисобланади. Норасмий иқтисодиёт расмий иқтисодиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, у жаҳон иқтисодий тизимида “ядро” ва “периферия” ўртасидаги асимметрияни акс эттиради³. Ушбу назарияга кўра, жаҳон иқтисодиёти юқори технологияли, юқори иш ҳақи ва юқори маҳсулдорликка эга бўлган ривожланган давлатлар (ядро) ҳамда паст маҳсулдорлик, арзон меҳнат кучи ва чекланган капиталга эга бўлган ривожланаётган давлатлар (периферия) ўртасидаги нотекис муносабатлар асосида ташкил топган. Яштрин иқтисодиёт айнан мана шу асимметриянинг ифодаси ҳисобланади, чунки периферия мамлакатларда расмий иқтисодиёт заиф ривожлангани, меҳнат бозори етарлича тартибга солинмагани ва институционал чекловлар мавжудлиги туфайли норасмий сектор кенг тарқалган бўлади.

Неолиберализм (ёки легалистик) ёндашуви яширин иқтисодий қисми асосан расмий рўйхатдан ўтиш, солиқ тўлаш ва маъмурий талаблар билан боғлиқ юқори харажатлардан қочиш сифатида изоҳлайди. Бу ёндашувда норасмий сектор микро ва кичик тадбиркорларнинг бюрократик тўсиқлардан қочишга қаратилган мослашув механизми сифатида қаралади. Ушбу ёндашув тарафдорлари дуалистик

² Lewis W. A. *Economic development with unlimited supplies of labour*. The Manchester School, 22(2), 1954. 139–191. URL: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1467-9957.1954.tb00021.x>.

³ Wallerstein I. *World-Systems Analysis: An Introduction*. Durham: Duke University Press, 2004. URL: <https://doi.org/10.1215/9780822399018>

ёндашувдан фарқли равишда норасмийликни иқтисодий тизимнинг тузилмавий эмас, балки институционал камчиликлари оқибати сифатида баҳолайдилар.⁴

Постструктурализм ёндашуви, яширин иқтисодиёт иқтисодий агентларнинг онгли танлови натижаси сифатида изоҳлайди. Ушбу ёндашув солиқлар ва меҳнат бозорини тартибга солиш қоидаларидан қочишни иқтисодий фаолиятни юритишнинг муқобил ва рационал усули сифатида талқин қилади. Назарияга кўра, айрим аҳоли қатламлари ўз малака ва ресурсларини расмий секторда самарали ишлатиш имконияти чекланган деб ҳисоблаб, норасмий фаолиятни афзал кўрадилар.⁵

Кўриш мумкинки, яширин иқтисодиётнинг таърифи ва мазмуни борасидаги қарашларнинг ривожланиши баъзи истиснолардан ташқари, сотциолистикдан капиталистик иқтисодиётгача бўлган глобал иқтисодиётнинг тузилишини акс эттиради. Бу ёндашувларнинг барчаси уни салбий ёки ижобий жиҳатдан ҳаддан ташқари соддалаштиради. Салбий томони шундаки, яширин иқтисодиёт эксплуатация майдони сифатида қаралади. Ижобий томони шундаки, яширин иқтисодиёт эркинлик майдонидир .

Юқоридаги фундаментал таърифлардан ташқари сўнги йилларда амалга оширилган тадқиқотларда ҳам яширин иқтисодиёт тўғрисидаги бир қатор таърифлар келтирилган бўлиб уларни қуйида кўриб чиқамиз.

П. Смит буни ЯИМнинг расмий ҳисоб-китобларида аниқланмайдиган қонуний ёки ноқонуний бўлган бозорга асосланган ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар деб таърифлайди⁶.

⁴ De Soto H. The Other Path: The Invisible Revolution in the Third World. New York: Harper & Row, 1989.
Djankov S., La Porta R., Lopez-de-Silanes F., & Shleifer A. The regulation of entry. Quarterly Journal of Economics, 117(1), 2002. 1–37. URL: <https://doi.org/10.1162/003355302753399436>

⁵ Frey B. S., & Torgler B. Tax morale and conditional cooperation. Journal of Comparative Economics, 35(1), 2007. 136–159. URL: <https://doi.org/10.1016/j.jce.2006.10.006>

⁶ Smith, P. (1994). Assessing the Size of the Underground Economy: The Statistics Canada Perspectives. Canadian Economic Observer, Catalogue No.: 11-010, 3.16-33, at 3.18. Spiro, Peter S. (1993): “Evidence

Унинг энг кенг таърифларидан бири бу Р. Делл-Анно, Л. Феиг, Ж. Томас томонидан консусга келинган таърифи бўлиб, яширин иқтисодиёт давлат томонидан тартибга солиш, солиққа тортиш ёки кузатишни четлаб ўтадиган ёки бошқача тарзда четлаб ўтадиган иқтисодий фаолият ва улардан олинadиган даромадларни ўз ичига олади деб таърифланади⁷.

С. Педерсен⁸ ва Б. Каземиер⁹ларга асосан яширин иқтисодиёт қуйидаги сабабларга кўра давлат органларидан атайлаб яширилган бозорга асосланган барча қонуний товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришни ўз ичига олади:

- (1) даромад, қўшилган қиймат ёки бошқа солиқларни тўлашдан қочиш;
- (2) ижтимоий суғурта бадалларини тўлашдан қочиш;
- (3) энг кам иш ҳақи, максимал иш вақти, хавфсизлик стандартлари ва бошқалар каби муайян қонуний меҳнат бозори стандартларига жавоб бермаслик учун,
- (4) статистик сўровномаларни ёки бошқа маъмурий шаклларни тўлдириш каби муайян маъмурий тартиб-қоидаларга риоя қилмаслик.

Ф. Шнейдерга яширин иқтисодиётни пул-кредит, тартибга солиш ва институционал сабабларга кўра расмий органлардан яширин бўлган барча иқтисодий фаолиятни ўз ичига олади деб таърифлайди. Молиявий сабабларга солиқлар ва барча ижтимоий суғурта бадалларини тўлашдан қочиш киради, тартибга солиш сабабларига ҳукумат бюрократиясидан ёки тартибга солиш базаси юкидан қочиш киради, институтсионал сабабларга эса коррупция

of a Post-GST Increase in the Underground Economy;” Canadian Tax Journal/ Revue Fiscale Canadienne, 41(2): 247–258

⁷ Dell’Anno, R. Schneider, F. (2006). Estimating the Underground Economy: A Response to T. Breusch’s Critique. Discussion Paper, Johannes Kepler University Linz, Department of Economics, Linz.

⁸ Pedersen, S. (2003). The Shadow Economy in Germany, Great Britain and Scandinavia: A Measurement Based on Questionnaire Service. Study No. 10, The Rockwoll Foundation Research Unit, Copenhagen.

⁹ Kazemier, Brugt, (2005a). The Undergroud Economy: A Survey of Methods and Estimates. Discussion Paper, Statistics Netherlands, Voorburg, Netherlands

қонунчилиги, сиёсий институтларнинг сифати ва қонун устуворлигининг заифлигини ўзида акс эттиради¹⁰.

А.Ортиқов, В.Шестаков ва Т.Исаходжаевлар, “Хуфёна иқтисодиёт нафақат иқтисодий-ижтимоий тузилмалар, жамиятдаги иқтисодий муносабатларни ҳам ўз ичига оловчи мураккаб ижтимоий-иқтисодий воқелик, балки энг аввало, жамият томонидан назорат қилиб бўлмайдиган, мамлакат аҳолисининг бир қисмини ташкил қилувчиларнинг шахсий ва жиноий гуруҳ манфаатларини қондириш, яъни катта миқдорда қўшимча фойда (даромад) олишни кўзлаб давлат органлари бошқаруви ва назоратидан яширган ҳолда, давлат ва нодавлат мулкдан ҳамда иқтисодий бойлик, тадбиркорлик қобилиятидан жиноий йўл билан фойдаланишдир. Бу ҳолат ошкор расмий иқтисод билан чамбарчас боғланган бўлиб, унинг таркибий қисмидир”, деб таъриф бериб ўтганлар.¹¹

Ю. Латов ўтказган тадқиқот ишида, “Норасмий иқтисодиёт бу иқтисодий фаолиятнинг расмий равишда ҳисобга олинмаган ҳамда расмий статистика маълумотларида акс эттирилмаган ҳар қандай кўринишидир”, деб таърифланган¹².

Халқаро ташкилотлардан Халқаро валюта фонди **норасмий иқтисодиётни** ўзида пул, тартибга солиш ва институционал мақсадларга кўра расмий ҳокимиятдан яширин бўлган барча кўринишдаги иқтисодий фаолиятни акс эттиришидир.¹³ Бунда, пул билан боғлиқ мақсад солиқ ва ижтимоий таъминот учун ажратмаларни тўлашдан бўйин товлашни, тартибга солиш мақсади ҳукумат

¹⁰ Schneider, Friedrich (2017), Estimating a Shadow Economy: Results, Methods, Problems, and Open Questions, De Gruyter Open, Open Economics 2017/1, pp. 1–29.

¹¹ Ортиқов А.А., Шестаков А.В. ва Исаходжаев А.Т. Хуфёна иқтисодиёт. Тошкент, ЎзР ИИВ Академияси. 2002.

¹² Латов Ю.В. Экономика вне закона: Очерки по теории и истории теневой экономики. Монография Москва: Московский общественный научный фонд, 2001 й, 284 бет.

¹³ Medina, L., Schneider F. Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years? IMF Working Paper, 2018, WP/18/17.

бюрократиясига ёки меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларга бўйсунмасликни ва институционал мақсад коррупциялашган сиёсий институтлар ва саёз ҳуқуқий базани ўз ичига олади.

Яширин иқтисодиётнинг турли таърифларидан келиб чиқиб унинг таксономиясини тузиш унинг турлари ва таркибий қисмлари тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлиш имконини беради.

1-жадвал.

Яширин иқтисодий фаолият турларининг таксономияси¹⁴

Меъзон	Сектор			
	Уй хўжалиги	Норасмий	Хуфёна	Жиноий
Ишлаб чиқариш/тақси млаш	Қонуний	Қонуний	Но-қонуний	Ноқонуни й
Бозорга таклиф / трансфер	Таклиф қилинмайди	Таклиф қилинади	Таклиф қилинади	Таклиф қилинади
Натижа (товар/хизмат)	Қонуний	Қонуний	Қонуний	Ноқонуни й
Мисол	Барча нарсани ўзи қилиш; уй офисида; бартер; бола	Яқинларнинг ёрдами; маслаҳат марказлари; ўз- ўзига ёрдам ташкилотлари; фахрий фаолият;	Ноқонуний иш: савдо, хунармандчи лик, тарқатиш қоидаларини	Ўғирланга н товарлар ва гиёҳванд моддалар савдоси;

¹⁴ Schneider F., Buehn A. (2018): Shadow Economy: Estimation methods, problems, results & open questions (p. 1 – 29), Open Economics, 1 (1). Schneider, F.; Enste, D. H. 2002. *The Shadow Economy*. An International Survey. Cambridge: Cambridge University Press.

	парвариши ва бошқалар	тармоқ(қариндо шлик) фаолияти	бузиш; солиқ тўлашдан бўйин товлаш; ижтимоий нафақаларни сууистеъмол қилиш.	тақиқланг ан қимор ўйинлари; фирибгарл ик; контрабан да; ўғирланга н нарсаларн и яшириш.
Категория	Ўзини ўзи таъминлайд иган иқтисодиёт		Соя иқтисодиёти	


Ф. Шнайдер ва А. Бухе яширин иқтисодиётни пул ва пулсиз операцияларга асосланган қонуний ва ноқонуний фаолият турларига бўлади. Шунингдек, солиқ тўлашдан бўйин товлаш шаклига қараб уни қонуний ва ноқонуний солиқдан қочиш оқибатлари борлигини кўрсатади.

Яширин иқтисодиётнинг батафсил тузилиши Шнеидер ва Энсте томонидан таклиф қилинган. 1.1-жадвалдан кўриш мумкинки, солиққа оид ҳуқуқбузарликлар, норасмий бандлик ва ижтимоий ҳимоя сууистеъмол қилиш яширин иқтисодиётнинг асосини ташкил этса, иқтисодиётнинг жиноий сектори гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши, ўғирланган товарлар савдоси, тақиқланган қимор ўйинлари, контрабанда ва бошқаларни ўз ичига олади. Уй хўжалиги, болаларни парвариш қилиш, ўз-ўзига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар,

маслаҳат марказлари ва тармоқ фаолияти иқтисодиётнинг норасмий секторини ташкил қилади.

Ф. Шнайдер ва Д. Энсте ишларида яширин иқтисодиёт «қонуний маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлиб, давлат органларидан онгли равишда яшириладиган иқтисодий фаолият» сифатида таърифланади. Уларнинг таъкидлашича, яширин иқтисодиётнинг асосий сабаблари солиқ юкининг юқорилиги, маъмурий тўсиқлар, регулятор юкнинг ортиқчалиги ҳамда давлат институтларига бўлган ишончнинг пастлигидир. Мазкур таъриф яширин иқтисодиётни фақат жиноий фаолият билан эмас, балки кўп ҳолларда қонуний иқтисодий фаолиятнинг «расмий сектордан чиқиб кетган қисми» сифатида кўриш имконини беради.

Ю.Латов ва С.Ковалёв миллий иқтисодиётни “оқ” (расмий) ва яширин иқтисодиётга ажратган ҳолда, яширин иқтисодиётни ўзини эса турли мезонлар асосида “иккинчи”, “кулранг” ва “қора” иқтисодиётга фарқлайди (1.1-расмга қаранг).



1-расм. Яширин иқтисодиётнинг турли меъзонлар бўйича фарқланиши¹⁵

Муаллифлар иқтисодий тизим нуқтаи назаридан қаралганда, яширин иқтисодиёт расмий иқтисодиётнинг “сояси” сифатида мавжуд бўлиб, у билан узвий боғлиқ ҳолда ривожланишини таъкидлайдилар. Шунингдек, расмий иқтисодиётда солиқ юкининг ошиши, ҳисобот бериш тартибтаомилларининг мураккаблашгани ёки маъмурий назорат кучайтирилгани сари, айрим хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини яширин секторга ўтказишга мойил бўлади. Шу сабабли, яширин иқтисодиётни ижтимоий-иқтисодий тизимдаги мувозанатсизликларнинг оқибати сифатида ҳам баҳолайдилар.

И. Ниязметов ўзининг тадқиқотларида норасмий иқтисодиётни пул, товар—моддий бойликлар ва хизматларнинг жамият томонидан назорат қилинмайдиган ҳаракати, яъни давлат бошқарув органларидан яширин ҳолда алоҳида фуқаролар ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида амалга оширилувчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлардир. Бу муносабатлар ўз ичига иқтисодий фаолиятнинг барча ҳисобга олинмаган, тартибга солинмаган турларини олади.

Шунингдек, И.Ниязметов норасмий иқтисодиётни солиққа тортиш нуқтаи назаридан шартли равишда икки қисмга ажратган¹⁶:

- норасмий иқтисодиётнинг расмий иқтисодиётга ўтказиш, яъни солиққа жалб қилиш мумкин бўлган қисми бўлиб, бунда иқтисодий фаолият турларини умуман хўжалик тизимини тартибга солувчи қонунчилик доирасини кенгайтириш орқали солиққа жалб қилиниши мумкин

¹⁵ Латов Ю.В., Ковалев С.Н. Теневая экономика: Учебное пособие для вузов. / Под. ред. д.п.н., д.ю.н., проф. В.Я.Кикотя; д.э.н., проф. г.М.Казиахмедова. – М.: «Норма», 2006. -С. 15.

¹⁶И.М.Ниязметов. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 231-б.

- норасмий иқтисодиётнинг солиққа жалб қилиб бўлмайдиган қисми, яъни ноқонуний (жиноий) иқтисодиёт.

Солиққа тортиш нуқтаи назаридан норасмий иқтисодиётни 3 қисмга ажратиш мумкин:

1. Назоратсиз иқтисодиёт;
2. Яширин (хуфёна) иқтисодиёт;
3. Ноқонуний (жиноий) иқтисодиёт.

Норасмий иқтисодиётни солиққа жалб қилишнинг биринчи йўналиши иқтисодий, шу жумладан солиқ қонунчилиги рамкасини кенгайтириш орқали амалга оширилади. Хуфёна иқтисодиётда шаклланган ёки унга оқиб ўтган даромадларни солиққа жалб қилишнинг иккинчи йўналишида давлат амалдаги солиқ механизмлари ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш йўлидан боради. Яъни, даромадларни декларация асосида солиққа тортиш механизмини кучайтириш, акцизлар (истеъмом ва ҳашамга солиқлар) ҳамда мулкый солиқлар доирасини кенгайтириш, шунингдек солиқ маъмурчилиги тизимини такомиллаштириш чораларини кўради. Давлат шу йул билан илгари солиққа жалб қилинмаётган назоратсиз ва яширилган солиқ объектларини солиққа тортиши мумкин.



2-расм. Солиққа тортиш нуқтаи назаридан норасмий иқтисодиётнинг туркумланиши¹⁷

Муаллиф, расмий иқтисодиётга ўтказиш мумкин бўлган ва паралел иқтисодиётда банд бўлган норасмий сектор аъзоларини бозор иқтисодиёти механизмларига мувофиқ ишлаб чиқиладиган самарали қонунчилик орқали солиққа тортиш мумкинлигини таъкидлайди. Бозорда талаб мавжуд бўлган фаолият турлари қонунчилик билан тартибга солинмаган ва самарали солиққа тортиш механизмлари ишлаб чиқилмаган ёки саёз ишлаб чиқилган бўлса, бундан ташқари қонунчиликда бюрократик тўсиқлар мавжуд бўлса, мазкур фаолият турлари норасмий секторда иш юритишга мажбур бўлади.

Юқорида амалга оширилган илмий адабиётлар таҳлили натижаларига таянган ҳолда мамлакат миллий иқтисодий тизимини расмий ва тартибга

¹⁷И.М.Ниязметов. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 232-б.

солинмаган фаолиятларнинг ўзаро боғлиқлиги, солиқ ва институционал муҳит таъсирида шаклланиши жиҳатидан комплекс тарзда қуйидаги 2-расм асосида ифодалаш мумкин.

Тадқиқотимиз доирасида тартибга солинмаган иқтисодиётнинг турли атамалардаги шакллари ичидан айнан яширин иқтисодиётни солиқ юкини оптималлаштириш орқали қисқартириш масаласини марказий муаммо сифатида танладик. Буни назарий, илмий ва амалий жиҳатдан қуйидагича изоҳлаймиз.

Назарий жиҳатдан яширин иқтисодиёт қонуний, аммо солиқ ва статистик ҳисобдан яширилган иқтисодий фаолиятни, шунингдек, меҳнат муносабатларининг расмийлаштирилмаган шакллари ва ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш ҳажмларининг расмий ҳисоб-китобларда акс этмаган қисмини ўзида мужассамлаштиради. Шу боис у иқтисодий тизимда расмий ва норасмий секторлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни, шунингдек, институционал ва фискал омиллар таъсирини комплекс тарзда таҳлил қилиш имконини беради.

Илмий нуқтаи назардан ҳам яширин иқтисодиёт солиқ юки, солиқ маъмуриятчилиги ва институционал муҳит билан боғлиқ муносабатларни ўрганишда энг мақбул тадқиқот объекти ҳисобланади. Норасмий иқтисодиёт тушунчаси эса кўпроқ меҳнат бозори ва ижтимоий ҳимоя масалаларига урғу бериб, солиқ сиёсати таъсирини тўлиқ қамраб олмайди.

Амалий жиҳатдан, яширин иқтисодиётда фаолият юритувчи субъектлар қонун доирасида ишлаш имкониятига эга бўлиб, уларни рағбатлантирувчи солиқ сиёсати, маъмурий тартиб-таомилларни соддалаштириш ва институционал муҳитни яхшилаш орқали расмий иқтисодиётга жалб этиш мумкин. Бу эса солиқ базасини кенгайтириш, бюджет даромадларини барқарорлаштиришга хизмат қилади. Шу сабабли, солиқ юкини оптималлаштириш орқали яширин иқтисодиёт

кўламини жиловлаш масаласини тадқиқ этишда айнан яширин иқтисодиётни тадқиқот объекти сифатида танланди.

ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари яширин иқтисодиёт кўп қиррали ва мураккаб ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, унинг мазмунини ягона ёндашув орқали тўлиқ изоҳлаб бўлмаслигини кўрсатди. Турли назарий мактаблар яширин иқтисодиётнинг иқтисодий, институционал ва ижтимоий жиҳатларини турлича талқин қилса-да, уларнинг барчаси мазкур ҳодисанинг расмий иқтисодиёт билан узвий боғлиқлигини тасдиқлайди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, солиқ юкининг юқорилиги, маъмурий тўсиқлар, давлат институтлари самарадорлигининг пастлиги ва ҳуқуқий муҳитнинг етарлича ривожланмаганлиги яширин иқтисодиётнинг асосий омиллари ҳисобланади. Шу муносабат билан, солиқ сиёсатини такомиллаштириш, солиқ маъмурчилигини соддалаштириш ва институционал муҳит сифатини ошириш иқтисодий фаолиятни расмий секторга жалб қилиш ҳамда яширин иқтисодиёт кўламини қисқартиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Portes A., Castells M., & Benton L. The Informal Economy: Studies in Advanced and Less Developed Countries. Baltimore: Johns Hopkins University Press, 1989.
2. Lewis W. A. **Economic development with unlimited supplies of labour**. The Manchester School, 22(2), 1954. 139–191. URL: <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/10.1111/j.1467-9957.1954.tb00021.x>.
3. Wallerstein I. World-Systems Analysis: An Introduction. Durham: Duke University Press, 2004. URL: <https://doi.org/10.1215/9780822399018>

4. De Soto H. *The Other Path: The Invisible Revolution in the Third World*. New York: Harper & Row, 1989.
5. Djankov S., La Porta R., Lopez-de-Silanes F., & Shleifer A. The regulation of entry. *Quarterly Journal of Economics*, 117(1), 2002. 1–37. URL: <https://doi.org/10.1162/003355302753399436>
6. Frey B. S., & Torgler B. Tax morale and conditional cooperation. *Journal of Comparative Economics*, 35(1), 2007. 136–159. URL: <https://doi.org/10.1016/j.jce.2006.10.006>
7. Smith, P. (1994). *Assessing the Size of the Underground Economy: The Statistics Canada Perspectives*. Canadian Economic Observer, Catalogue No.: 11-010, 3.16-33, at 3.18. Spiro, Peter S. (1993): “Evidence of a Post-GST Increase in the Underground Economy;” *Canadian Tax Journal/Revue Fiscale Canadienne*, 41(2): 247–258
8. Dell’Anno, R. Schneider, F. (2006). *Estimating the Underground Economy: A Response to T. Breusch’s Critique*. Discussion Paper, Johannes Kepler University Linz, Department of Economics, Linz.
9. Pedersen, S. (2003). *The Shadow Economy in Germany, Great Britain and Scandinavia: A Measurement Based on Questionnaire Service*. Study No. 10, The Rockwool Foundation Research Unit, Copenhagen.
10. Kazemier, Brugt, (2005a). *The Undergroud Economy: A Survey of Methods and Estimates*. Discussion Paper, Statistics Netherlands, Voorburg, Netherlands

11. Schneider, Friedrich (2017), Estimating a Shadow Economy: Results, Methods, Problems, and Open Questions, De Gruyter Open, Open Economics 2017/1, pp. 1–29.
12. Ортиқов А.А., Шестаков А.В. ва Исаходжаев А.Т. Хуфёна иқтисодиёт. Тошкент, ЎзР ИИВ Академияси. 2002.
13. Латов Ю.В. Экономика вне закона: Очерки по теории и истории теневой экономик. Монография Москва: Московский общественный научный фонд, 2001 й, 284 бет.
14. Medina, L., Schneider F. Shadow Economies Around the World: What Did We Learn Over the Last 20 Years? IMF Working Paper, 2018, WP/18/17.
15. Schneider F., Buehn A. (2018): Shadow Economy: Estimation methods, problems, results & open questions (p. 1 – 29), Open Economics, 1 (1).
16. Schneider, F.; Enste, D. H. 2002. *The Shadow Economy*. An International Survey. Cambridge: Cambridge University Press.
- 17.¹ Латов Ю.В., Ковалев С.Н. Теневая экономика: Учебное пособие для вузов. / Под. ред. д.п.н., д.ю.н., проф. В.Я.Кикотя; д.э.н., проф. г.М.Казиахмедова. – М.: «Норма», 2006. -С. 15.
- 18.¹ И.М.Ниязметов. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 231-б.
19. И.М.Ниязметов. Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизимини барқарорлигини таъминлаш: и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. - Тошкент, 2018.- 232-б.